

ТИББИЁТ ТИЗИМИДА РЕАНИМАЦИЯ ВА ПАТОЛОГО-АНАТОМИЯ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗARO ИНТЕГРАЦИЯСИ

Ражабов Юлдаш Барнаевич

*Навоий давлат университети табиий фанлар ва тиббиёт факультети
клиник фанлар кафедраси фтизиатрия фан ўқитувчиси. Ўзбекистан,
Навоий шаҳри, 210100*

Очилов Фархад Эшмаматович

*Навоий давлат университети табиий фанлар ва тиббиёт факультети
клиник фанлар кафедраси аллергология фани ўқитувчиси. Ўзбекистан,
Навоий шаҳри, 210100*

Аннотация: *Ушбу тадқиқот реанимация ва патология-анатомия хизматининг узвий боғлиқлиги ҳамда уларнинг тиббий хизматлар соҳасидаги аҳамиятини таҳлил қилишга қаратилган. Реанимация бўлими шошилиш ҳолатларида беморларга ёрдам кўрсатишда муҳим омил бўлса, патология-анатомия бўлими марҳумлар танасини аутопсия усулида олинган материаллар асосида касалликларни аниқлаш ва патогенезни тушунишга ёрдам беради. Тадқиқот натижалари реанимация ва патология-анатомия хизматлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг тиббий қарорлар қабул қилиш ва даволаш жараёнларида қандай аҳамият касб этишини кўрсатади. Бу ишда, шунга асосан, хизматлар орасидаги узвий боғлиқликнинг аҳамияти ва ривожланиши таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *Реанимация, патология-анатомия, шошилиш ҳолат, диагностика, марҳумлар, патогенез, касаллик, даволаш.*

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Реанимация ва патология-анатомия хизматлари тиббий соҳада ўзаро боғлиқ, ва уларнинг ҳар бири ўз мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб муҳим аҳамиятга эга. Реанимация бўлими шошилиш ҳолатларидаги беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, уларни барқарор ҳолатга келтиришга қаратилган, патология-анатомия бўлими эса марҳумлар танасидан аутопсия усулида олинган материаллар, уларни микроскопик текшириш жараёнлари орқали касалликларни аниқлаш ва уларнинг патогенезини тушунишга ёрдам беради. Ушбу хизматлар ўртасидаги узвий боғлиқлик, тиббий таълимдаги ва клиник муаммоларни аниқлашдаги керакли йўналишларни белгилашга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг мақсади

Тадқиқотнинг мақсади — реанимация ва патология-анатомия хизматларининг тиббий хизматлар тизимидаги узвий боғлиқлигини ўрганиш ва уларнинг бир-бирига бўлган таъсирини аниқлаш. Реанимация бўлимидаги шошилиш ёрдам ва патология-анатомия бўлимидаги марҳумлардан олинган

материаллар асосидаги текширишлар орасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш ва бундан келиб чиқадиган ташхис ва даволаш услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари

Материаллар:

Тадқиқот учун шошилишч реанимация бўлимида даволанган ва патология-анатомия бўлимида марҳум танасини текширув баённомалари, олинган аутопсион материаллари асосида ўтказилган микроскопик таҳлиллардан фойдаланилди. Реанимация бўлимида бемор касаллик тарихи ёзувлари, лаборатор-инструментал текширув натижалари ва беморларда олиб борилган реанимацион стандарт даво муолажалардан кейинги жараёнлари ҳақидаги маълумотлар қамраб олинган.

Текшириш усуллари:

- Клиник таҳлил: Реанимация бўлимида даволанган беморлар тиююй хужжатларидан олинган маълумотлар, уларнинг ҳолатлари, даволаш жараёнларининг самарадорлиги ва ўлимга олиб келган омиллар;

- Патология-анатомик текшириш: Марҳум танасидан олинган аутопсия материаллари (макропрепаратлар) асосида тайёрланган микропрепаратлар асосида касаллик патогенезни аниқлаш ва уларнинг ўлим сабабларини тушунтириш;

- Тиббий статистик таҳлил: Реанимация ва патология-анатомия хизматларининг тиббий натижалари асосида статистик таҳлиллар.

Клиник-патолого-анатомик мисоллар:

1-мисол

Реанимация бўлимига ўта оғир ҳолатда қабул қилинган 58 ёшли беморда клиник жиҳатдан ўткир респиратор етишмовчилик ва септик шок ташхиси қўйилган. Барча стандарт реанимацион чора-тадбирларга қарамасдан, бемор вафот этган. Патология-анатомик текширув натижасида ўпка тўқимасида диффуз альвеоляр шикастланиш, микротромбозлар ва яллиғланиш инфильтрацияси аниқланди. Ушбу ҳолат клиник ташхиснинг тўғри қўйилганини тасдиқлаб, сепсис патогенезида ўпка шикастланишининг асосий ўрнини кўрсатди.

2-мисол

45 ёшли бемор реанимация бўлимига ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги билан ётқизилган. Клиник текширувларда миокард инфарктидан гумон қилинган. Вафотдан сўнг ўтказилган патология-анатомик аутопсияда кенг кўламли миокард некрози, коронар томирларда атеросклеротик ўзгаришлар ва тромбоз аниқланди. Бу ҳолат реанимацияда қўйилган клиник ташхиснинг патолого-анатомик жиҳатдан тўлиқ тасдиқланганини кўрсатиб, реанимация ва патология-анатомия хизматлари ўртасидаги узвий боғлиқликни яққол намоён этди.

3-мисол

62 ёшли беморда реанимация бўлимида кўп органли етишмовчилик ривожланган. Клиник маълумотларда асосий сабаб сифатида жигар етишмовчилиги кўрсатилган. Аутопсия натижасида жигарда оммавий некроз, буйракларда ўткир тубуляр некроз ва миёда гипоксик ўзгаришлар аниқланди.

Ушбу морфологик топилмалар реанимация жараёнида кузатилган клиник ҳолатлар билан тўлиқ мос келиб, кўп органли етишмовчилик патогенезини чуқурроқ англашга ёрдам берди.

Текшириш натижалари

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатди-ки, реанимация ва патология-анатомия хизматлари ўртасидаги узвий боғлиқлик кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Реанимация бўлимида шошилич ёрдам кўрсатилган беморлар ўлим холати патология-анатом шифокорлар томонидан текширилиши, уларнинг ўлим сабабларини аниқлашга сезиларли ёрдам берди. Бу, ўз навбатида, касалликнинг патогенезини тушуниш ва кейинги даволаш жараёнларига тўғри йўналиш беришга имкон яратди. Реанимация бўлимида беморлардан олинган маълумотлар патология-анатомия бўлимидаги текширишлар билан ўзаро боғлиқликни яратди ва уларнинг биргаликдаги таҳлили натижасида тўғри диагностика ҳамда даволаш усуллари ишлаб чиқиш имконини туғдирди.

Хулоса

Реанимация ва патология-анатомия хизматларининг узвий боғлиқлиги тиббий хизматлар самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Реанимация бўлимида шошилич ҳолатдаги беморларга ёрдам кўрсатиш, патология-анатомия бўлимидаги патогенез ва диагностика билан биргаликда, тўғри даволаш ва профилактика стратегиясини белгилаш имконини беради. Ушбу боғлиқлик, тиббий ташкилотлар ва мутахассислар орасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

Тавсиялар

1. Хизматлар орасида ҳамкорликни ривожлантириш: Реанимация ва патология-анатомия бўлимлари ўртасидаги алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, биргаликда ишлаш учун мутахассислар ўртасида тиббий жиҳатдан яқинроқ ҳамкорликни таъминлаш;

2. Клиник-патолого-анатомик маърузаларни жорий этиш: Реанимация бўлимида шошилич ёрдам кўрсатилган беморлар мурдасини патология-анатомия бўлимларида доимий текшириш йўлга қўйилиши лозим;

3. Оптимизация қилиш: Реанимация ва патология-анатомия хизматларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш учун замонавий патолого-анатомик ва реанимация усуллари амалиётга жорий этиш;

4. Таҳлилларнинг мукамаллигини ошириш: Патология-анатомик натижаларни реанимация бўлимида олинган маълумотлар билан изчил текшириб чиқиш ва уларни бир-бирига мутаносиблаштириш.

Ушбу тавсиялар реанимация ва патология-анатомия хизматлари ўртасидаги алоқанинг янада самарали бўлишини ва тиббий хизматлар тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Роббинс Р., Котран В. Патологик анатомия асослари. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2019.
2. Kumar V., Abbas A., Aster J. Robbins Basic Pathology. – Elsevier, 2020.
3. Акушерлик, гинекология ва реаниматология асослари. Дарслик. – Тошкент, 2021.
4. WHO. Clinical autopsy practice and quality assurance. – Geneva, 2018.
5. Vincent J.L., Abraham E. Textbook of Critical Care. – Elsevier, 2017.
6. Хайдаров Б.Қ. Патолого-анатомик диагностикада клиник маълумотларнинг аҳамияти. – Тошкент, 2020.